

БИР МАМЛАКАТ – УМУМИЙ ТАҚДИР

ОҒИЗБИРЧИЛИК БУ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИДИР

Кейинги йилларда “Инсон кадри учун” эзгу тамойили асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани каттаю кичик томонидан эътироф этилмоқда.

Жорий йил 26 август куни Президентимиз Нукус шаҳрига келиб, парламент ва ҳукумат аъзолари, нурунийлар, ёшлар ва аёллар билан учрашганида бу жиҳат яна бир бор тилга олинди. Сўнги икки ой оғир ва синовли ўтгани, осойишталик ва тотувлик қадрли, тинчлик нақадар улугъ неъматлиги, оғизбирчилик барча ютуқларнинг гарови экани алоҳида таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси эиб тасдиқланган Аманбай Оринбаев ҳудудни ривожлантиришнинг 6 та устувор йўналиши хусусида фикр юритди. Тўпланиб қолган долзарб муаммоларни очик-ойдин айтиб, уларнинг ечимни бўйича аниқ тақлифларни баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти яқиндагина имзолаган “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суратларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнларнинг жадаллашувига эришиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ҳудудни жадал суратларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилгани айни муддао бўлди.

Бунда, айниқса, ҳудуднинг инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда қулай агробизнес муҳитини яратиш, таълим соҳасида кўшимча имкониятлар ва инсон капитали ривожини янги босқичга кўтаришга шарт-шароит яратиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтиришга кўпроқ урғу берилгани ўтказилган чуқур таҳлиллар натижасидир.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналарни харид қилиш учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали 7 йил муддатга қарз маблағлари ажратилиши навқирон авлод вакиллари янада руҳлантириши шубҳасиз. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2022 йил якунига қадар кўшимча равишда 200 миллиард сўм кредит берили-

ши ҳам улкан имкониятлар яратади.

Фермер хўжаликлари ва кластерлар тасарруфидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган, аҳоли пунктига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ҳудудлардан захирга қайтарилган ер майдонларидан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда очик электрон танлов орқали 30 йилга ижарага бериш ҳамда ушбу деҳқон хўжаликлари учун 50 миллиард сўм миқдоридagi кредитлар ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларини тамомланганлар учун жорий йилда 500 нафар, кейинги ўқув йилларидан эса ҳар йили 1 сентябрга қадар 6 500 нафар ёш давлат олий таълим муассасаларига кўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга киради.

2022 йил 15 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталари сотишни 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга ошириш ва қатор солиқ имтиёзлари белгиланди.

Албатта, ушбу фармон ижросини таъминлашда биз депутатлар фаол бўлишимиз, халқни рози қилиш йўлида бирлашиб, “Бир мамлакат – умумий тақдир” ғоясини азму шижоат ва сабртоқат билан амалга оширишимиз шарт.

Эро, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги О‘зLiDeP фракцияси аъзолари янги таълим ишлари талаб этилади. Бунга билим ҳам, тажриба ҳам етарли. Президентимиз айтганидек, фақат “Ватанини севиш керак” холос.



Шараф ОТЕМИСОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи
Кенгесидаги О‘зLiDeP фракцияси раҳбари

ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ: биз унга тайёрми?



Хозирги глобал иқтисодиёт жараёнида ҳар бир давлат халқи жаҳон бозорига нимасинидир олиб чиқиб сотиши керак. Шундай қилмаса, тараққиётда ортида қолиб кетади. Шу маънода ўйласак, бизда гастрономик туризмни ривожлантириш учун жуда катта база шаклланиб бўлган. Фақат энди шуни реклама қилишимиз ва бу соҳани жаҳон талаблари даражасида ривожлантиришимиз, сайёҳларга ҳуш ёқадиган инфратузилмани яратишимиз қолган. Оламни чақирайлик, меҳмон қилайлик. Ахир, ҳар бир сайёҳнинг мамлакатимизга кириб келиши жарақ-жарақ пул дегани. Зотан, бунча сайёҳга хизмат қилиш учун қанчадан-қанча янги иш жойлари пайдо бўлади.

6

ТАНИШИНГ: “ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2022” ҒОЛИБАЛАРИ



О‘зLiDeP томонидан 2016 йилдан бундан мунтазам ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг бу йилги босқичи ҳам якунланди. Йил бошида юртимиз туман ва шаҳарлари бўйлаб авж олган танловнинг ҳар бир вилоят бўйича республика якуний босқичларида мутлақ ғолиблар аниқланди ва меҳнатларига муносиб равишда тақдирланди.

3

SAVOL JUDA ODDIY:
PREZIDENT QARORI
NEGA BAJARILMAYAPTI?

5

“НОНИНГИЗНИ
ТУЯ ҚИЛИБ
БЕРАЙМИ?”

5

БИЗ КИМ –
“ТУРКИСТОН”-
ЛИКЛАРМИЗ!

6

О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ДАРОМАДЛАР ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН 17,8 ТРИЛЛИОН СЎМ КЎП

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал равишда тикланишда давом этиши туфайли ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 389 631,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 фоиз ўсди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййғилишида маълум қилинди.



Тўлқинжон КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Фракциямизнинг навбатдаги ййғилишида давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси якунларини кўриб чиқдик.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида давлат бюджети даромадлари 92,6 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 87,3 трлн. сўм прогноз 106 фоизга ёки 5,2 трлн. сўмга ошириб бажарилди. Даромадлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,8 трлн. сўмга кўп бўлди.

Давлат бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида-

ги харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 103 трлн. сўмни, аниқланган режа кўрсаткичлари-га нисбатан 94,9 фоиз ёки ЯИМга нисбатан 26,4 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ҳисобот даврида умумий экспорт 9,9 млрд. АҚШ доллари-га етиб, охириги 6 йилнинг барча ярим йилликларидидаги энг юқори кўрсаткични қайд этди. Республика ҳудудидаги аҳолининг умумий даромадлари ўтган йилга нисбатан 22,5 фоиз ўсиб, 282,6 трлн. сўмни ташкил қилди.

Иқтисодиётга амалга оширилган харажатлар 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 13 491,3 млрд. сўмни, ўз навбатида, ҳисобот давридаги жами давлат бюджети харажатларининг 13,1 фоизини ташкил этди.



Шухрат БАФАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Тақдим этилган ҳисоботга кўра, давлат бюджети ҳисобидан биргина Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларига шу йилнинг биринчи ярим йиллиги учун жорий харажатларга жами 314,5 млрд. сўм ажратилган.

Қўшлган қиймат солиғи тўловчиси бўлган 1 056 та чорвачилик субъектларига – ўз хўжаликларидида етиштириб, реализация қилган гўшт, сўт, парранда гўшти, тухум ва балиқ маҳсулотларига давлат бюджетидан 234,9 млрд. сўм субсидия ажратилган.



Нигора ҚУТЛИМУРОДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Фракциядошларимиз билан биргаликда қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш мақсадида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали ҳисобот даврида 1 582 дона техника учун 20,4 млрд. сўм субсидия ажратилганини юқори баҳоладик.

Шу билан бирга, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш лозимлигини айтиб, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар бердик.

Ййғилишида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

ТОМОРҚА – ХАЗИНА

Кейинги йилларда Чироқчи тумани деҳқонлари, томорқачилари ердан самарали фойдаланиш бобида Қашқадарёда биринчи ўринга чиқиб олишгани бежиз эмас. Улар етиштираётган полиз ва сабзавот маҳсулотлари сифатлиги боис хорижлик харидорлар сони йил сайин ортиб бораётир. Эътиборлиси, деҳқончиликда эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, қолаверса, бир парча бўлса-да, ўз томорқасидан унумли фойдаланиш бўйича бой тажрибаларни янада кенгроқ ёйиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтовнинг ташаббуси билан ташкил этилган томорқа хизматларидаги ишлар мақтовга лойиқ десак муболаға бўлмайди.

ЕРНИ ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Оддий мисол, Чироқчида фаолият бошлаган тажриба участкаси учун 96 сотих ер майдони ажратилган бўлиб, ўқув хоналари, сутни қайта ишлаш цехи, товўқхона, чорва молларини боқиб учун махсус бино, калифорния чувалчанги орқали биогумус ишлаб чиқариш майдони, 2 та 10 сотихлик 16 даража совуққа чидамли Хитой технологияси асосида қурилган иссиқхона, 400 тонналик сиймга эга мева-сабзавотларни сақлайдиган совуқлик, балиқхона, кўёнхона ҳамда меваларни қуришти цехи мавжуд.

Иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотлар бозор пештахталарини тўлдирётгани кувонарли, албатта. Тезкорлик билан олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари поёнига етгач, бу участка тўлиқ қувват билан ишлаш бошлади. Эллиқдан ортиқ хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлиги таъминланади.



– 20 сотих майдонда 2 та иссиқхона ташкил этилган бўлиб, сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган, – дейди Бахригул опа Бозорова. – Айни пайтда 10 сотих майдонда лимон, мандарин, саримсоқ, пиёз, пиёз, петрушка, шивит, редиска, кулпнай, бодринг ва ўнлаб витаминга бой маҳсулотлар етиштиряпмиз. Ишловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Серҳосил уруғларни саралаш, ўсимликларни озиклантириш, зараркундаларга қарши курашиш, маҳсулот сифатини ошириш каби ишларни тажриба участкасидидаги амалий машғулотларда бажариб, билим ва малакамани оширяпмиз. Бизда ҳам йилига ердан уч мартаба мўл ҳосил олиш мумкинлигини исботлаб,

тумандаги томорқачиларга “мастер-класс” ўтаяпмиз. Бугунги кунда 240 минг тупдан ортиқ помидор ва бодринг кўчатларини етиштириш бора-сида амалий ишларни бошладик. Келгусида нафақат туман, балки воҳадаги иссиқхона хўжаликларига помидор, бодринг ҳам гул кўчатлари ҳам етказиб беришни йўлга қўямиз.

– Ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак, – деди партия лидери, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликчиси ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Хайтов. – Бугунги семинарда иштирок этаётган агрономлар, фермер ва томорқа ер

эгалари мазкур жамиятда бошланган амалий ишларни ўз худудларида фаолият юритаётган деҳқонларга етказишлари, томорқалардан мўл ҳосил олиш учун ҳалол меҳнат қилиш, деҳқончилик тажрибасини эгаллаш зарурлигини англаб етишлари учун тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур. Халқимизни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бу жуда муҳим. Кейинги йилларда томорқачилик мактаблари яратилгач, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифати тўбдан яхшиллангани дастурхонларимиз тўкинлигига хизмат қилаётти. Ери бор одам доимо фаровон яшай олади. Мақсадимиз воҳадаги қишлоқларда ҳам ҳар бир хонадон эгалари томорқа ерларидан унумли фойдаланишларига эришиш, уларни уйғотиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Жорий йилда ҳам Қашқадарё вилояти фермерларига қаршили дала-ларда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Воҳа деҳқонлари саратонда бошлардан кўёш олов пурақаб турган лаҳзаларда ҳам мардонавор меҳнат қилиб, ҳосилни асраб қолишга эришдилар. Айниқса, Чироқчи туманидаги Зарбдор ҳудудида фаолият олиб бораётган фермерлар бу йил пахтанинг харид нархи ошганидан ниҳоятда мамнун эканликларини, меҳнатларининг давлат раҳбари томонидан қадрланиши кучлига куч қўйиш баробарида янги марралар сари илҳомлантиришини алоҳида таъкидлашди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

МУЛОҚОТ

Аввал ҳабар берганимиздек, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари мутасаддилари иштирокидаги кенгайтирилган ййғилишида Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган учрашуви якунларидан келиб чиқувчи долзарб вазифалар атрофида муҳокама этилиб, бу борадаги ишларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинганди.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “Очиқ мулоқоти” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган бир нечта йўналишлар партиявий мақсадларга ҳамоханлиги билан диққатга сазовор.

Масалан, тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ишлашни оласизми ёки ишбилармонлик фаолиятини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун кулай молиялаштириш тизимини яратишни оласизми – барчаси О'zLiDeP электорати манфаатларига мос келади. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор яратиш, мол-мулкни ҳақиқий бозор активига айлантириш, бизнес субъектларини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортишни эркинлаштириш механизмлари аниқ белгилаб берилгани партиядошларимиз учун аниқ муддао бўлди.

Шу муносабат билан куни кеча юқоридаги муҳим қарорда белгиланган вазифаларни атрофида ўрганиш мақсадида О'zLiDePнинг ҳудудий ва туман (шаҳар) кенгаши раҳбарлари, маҳаллий кенгашилар депутатлари ва БПТ раислари учун ташкил

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИГА МОС “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”



этиланган ўқув-семинарнинг биринчи босқичи ўтказилди. Унда ушбу ҳужжатда қайд этилган йўналишларни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳудудий партия ташкилотларининг 2022 йилга мўлжалланган иш режаларига киритилган вазифалар ва тавсиялар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам иштирок этдилар. Жумладан, “Korinka.uz” супермаркетлар тармоғи асосчиси, TEAM университетининг таъсисчи акциядори Зафар Ҳошимовнинг тақлиф ва тавсиялари кенг муҳокама қилинди.

Худудий кенгашилардаги депутатларимизнинг

эътирофига кўра, ҳар бир вилоятда “Тадбиркорлар хиббони”ни барпо қилиш, унда “Фаровонлик бунёдкорлари” деб номланувчи кўргазмаларнинг намойиш қилиниши, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор” унвонининг таъсис этилиши ва бошқа қатор ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар берилаётган имтиёзлар партия электоратига янги қанот бағишлайди.

Ушбу ўқув-семинарнинг навбатдаги босқичлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “Очиқ мулоқоти” да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда белгиланган вазифалар ижроси ҳамда Тадбиркорлик кодекси лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилиши режалаштирилган.

Насимжон АЛИМОВ,
О'zLiDeP Сиёсий таълим маркази раҳбари

ТАҲЛИЛ

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида партия Олтинсой тумани кенгаши аппарат раҳбари Жамшид Хайтов ва туман кенгаши депутати Ҳафиза Шерқобилова худуддаги Қизилтепа маҳалласида яшовчи хотин-қизларнинг хонадонларида бўлиб, “Аёллар дафтари” орқали олган кредит ва субсидиялардан мақсадли фойдаланаётган тадбиркорларнинг фаолиятини ўрганди.

КРЕДИТ ВА СУБСИДИЯЛАР МАҚСАДЛИ САРФЛАНЯПТИМИ?

Шу маҳаллада яшовчи Холида Авазова тадбиркорлик қилиш мақсадида 15 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олганди. Ҳозирда оилавий кичик корхона ташкил қилиб, ўз маҳалладошларига сўт ва сўт маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Тикувчиликка қизиқиши бор Гулбахор Алимарданова ҳам ўзини ўзи банд қилиш учун олган 10 млн. сўм кредитга тикув машинаси харид қилиб, маҳалладошларининг тикиш-би-чиш ишларида кўмакчига айланди.

– “Аёллар дафтари”да рўйхатда турардим, шу сабаб менга ҳам замонавий тикув машинаси берилди, – дейди Зайнаб Муродова. – Илгари эски машинада қийналардим, ҳозир эса янгида кўни-кўшимга ёрдамим тегаётганидан жуда хурсандман. Озми-кўпми, оиламга ҳам қўшимча даромад олиб қиряпман. Давлатимиз раҳбари томонидан бизга берилган шундай имкониятдан мамнунман.



Ҳа, Олтинсойда Зайнаб опа каби хунарини ишга солиб, ҳалол меҳнат қилиб, даромад топаётган хотин-қизлар кўп. Муҳими, улар бугун ишла-япти, ҳам оиласида, ҳам жамиятда ўз ўрнини топишга интиляпти.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
О'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

ТАНИШИНГ: МУТЛАҚ ҒОЛИБАЛАР!

ЭЛИ ВА КАСБИНИ СЕВГАНЛАР МАЙДОНИДИР БУ!

ОzLiDeP томонидан 2016 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” курик-танловининг бу йилги босқичи ҳам якунланди. Йил бошида юртимиз туман ва шаҳарлари авж олган танловнинг ҳар бир вилоят бўйича республика якуний босқичларида мутлақ ғолиблар аниқланди ва меҳнатларига муносиб равишда тақдирланди.



Гулрух ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сергели туманидаги “King garment textile” МЧЖ раҳбари, Тошкент шаҳри:

– Фаолиятим давомида 250 дан ортиқ иш ўрни яратдим. Маҳсулотларимиз асосан Қозоғистон, Тожикистон, Россия ва Европа бозорларини забт этди. Жорий йил бошдан бугунги кунгача 1 900 000 АҚШ долларидан ошдиқ тайёр текстиль маҳсулотларини экспорт қилдик.

Ички бозорда импорт ўрнини босувчи тикув учун ип ва турли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Лойиҳа қиймати 1 млн. АҚШ долларидан ошдиқ бўлган полиестирли ип ишлаб чиқариш устида ишлаб чиқардик. Ҳозирда 500 000 АҚШ долларидан ошдиқ туғридан-туғри хорижий инвестиция киритиш устида хитойлик ҳамкорлар билан музокара олиб бораёламиз. Лойиҳа амалга ошса, яна 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.



Сайёра АЛПАРОВА,
Тахиятош туманидаги “Intizar Dinara” оилавий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси:

– 8 йил аввал “Intizar Dinara” МЧЖ тикув цехи ташкил этгандим, ҳозирда 8 та йўналиш бўйича тадбиркорлик қиляпман. 2016 йили имтиёзли кредит асосида кўнчиликни йўлга қўйгандик. Энди эса ўзимиз Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманига кооперация йўналиши бўйича кўн тарқатяпмиз.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, асаларчилик, боғдорчилик, тикувчилик, паррандчилик, гулчилик ҳам бор фаолиятимизда. Уларда 200 дан ортиқ хотин-қиз ишлаяпти.



Гулнора ТҮЙЧИЕВА,
Асака туманидаги “Farangizoy” МЧЖ раҳбари, Андижон вилояти:

– Танловда илк мартаба қолганим ва фахрли 1-ўринни эгаллаб, қимматбахо совғаларни кўлга киритдим. Тадбиркорликни 2017 йилда бошлаганман. Барча вилоятда трикотаж маҳсулотлар савдосини ташкил этганмиз. Боғчаларга озик-овқат маҳсулоти етказиб берамиз. Жамоадорларимиз асосан “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”даги хотин-қизлардан таркиб топгани боис дам-бадам саховат ишларини ташкил этиб тураемиз. Ютуқларимиз албатта бутун жамоаники! Боси, мен сафдошларимиз ҳеч кимман. Муваффақиятларимда ҳар бир ишчи-ҳодимнинг ҳиссаси бор.



Махто АДИЛОВА,
Бухоро шаҳридаги “Banoaz Tekstile” МЧЖ раҳбари, Бухоро вилояти:

– Соҳадаги меҳнат фаолиятимни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида 2007 йили бошлаганман. 10 йил ўтгач, Бухоро шаҳридаги “Banoaz Tekstile” масъулияти чекланган жамиятини очдик ва “Турон” банкдан олинган 484 минг АҚШ доллари эвазига ушбу корхонамиз тасарруфидан Корея технологияси асосида помидор етиштиришга ихтисослашган иссиқхона ташкил этдик. Ундан қолган маблағ ҳисобига Когон тумани Беклар маҳалласида ҳам

4 гектардан иборат худди шундай иссиқхона бунёд этиб, Бухоро шаҳрининг Аҳмад Дониш маҳалласидаги “Темир дафтар”га киритилган 22 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминладик. Дастлабки мавсумдаёқ 100 минг АҚШ долларлик помидорни россиялик буюртмачиларга етказиб бердик.

Меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам дадил одимляпмиз. Вилоят марказида 34 ўринли янги меҳмонхона қурилиши битай деб қолган. Ҳозиргача 100 нафардан ортиқ иш ўрни яратдик. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида иштирок этганим тадбиркор сифатида қалбимни фахрга тўлдирди. Юртбошимиз белгилаб берган устувор йўналишлар келгусидаги ишимизнинг янада самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.



Озода ЭРҒАШЕВА,
Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери иш бошқарувчиси, Жиззах вилояти:

– Бугун нимага эришган бўлсам, устозим, “Дўстлик” ордени соҳиби, халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгаши депутати Шарофат Нориеванинг ҳиссаси бор. Болалигимдан опанинг изидан қолмадим, маслаҳати, беминнат ёрдами билан трактор бошқаришдан тортиб, чорвачилик, боғдорчилик, гулчилик сирларини ўргандим.

Ҳозирда устозим раҳбарлигидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” МЧЖ кластер хизматида иш юритувчиман. Бу ерда 114 киши доимий иш билан таъминланган, уларнинг 50 нафари “Аёллар дафтари” ва 35 нафари “Ешлар дафтари”дагилар. Айни пайтда хонадонларда гул етиштириш мақсадида кичик иссиқхоналар ташкил қиляпмиз. Ўқув марказимизда 200 нафар опа-сингиллар гулчилик, паррандчилик, чорвачилик каби йўналишларда ўқиб, тамомлашди. Ҳозирда уларнинг ҳам ўз тадбиркорлиги бор. Бу жараёнларда менинг ҳам камтарона улушим борлигидан бахтиёрман.



Сайёра ТОҶИЕВА,
Қамаш туманидаги “Моҳичехра Аҳмедова” оилавий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти:

– Моҳир тикувчи эдим. Маҳалладорларимнинг буюртмаларига кўра уларга чиройли кўйлақлар тикиб берадим. Сўнг миллий хунарманчилик билан астойдил шуғулланиб, момоларимиз кўлида сайқал топган миллий кашталарни қайта тиклаб бошладим. Утган йили оилавий корхонага асос солдим. Ҳозирда тикувчилик, гиламчилик, қандолатчилик, пахта титиш, йўнвў цехларини йўлга қўйдик, уларда 35 нафар хотин-қиз банд. Касбга ўқитиш марказимизда ўтган даврда кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 200 га яқин тумандошимиз касб-хунар ўрганди.

Орзум туманимиздаги кўплаб хотин-қизларнинг ўзлари севаган иш билан шуғулланишини таъминлашдир. Чунки уларнинг аксарияти асосан бола боқиш, рўзғор ишлари билан кифояланиб қолган. Мен партия фаоли сифатида ана шундай опа-сингилларимнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишни мақсад қилганман.



Жумагул РАҲАБОВА,
Кармана туманидаги “Ал-Азиз ипаги” ипакчилик кластери раҳбари, Навоий вилояти:

– Асосан пилла кластери билан машғулмиз. Навбахор туманида 256 минг тонна, Конимехда 6 минг тонна пилла етиштирамиз. Ундан ипак тайёрлаб, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам каби ўнлаб давлатларга экспорт қиламиз. Соҳани ривожлантириш мақсадида чет эл инвестиция дастури орқали Япониядан 1 млн. АҚШ долларлик тўқув дастохлари олиб келдик. Энди хомашёдан тайёр маҳсулот тайёрлай оламиз.

Бугунги кунда корхонамизда 78 нафар доимий, минглаб мавсумий ишчи меҳнат қилади. Балиқчилик, тутчай, ғумбақдан мой олиш ва кўлда гилам тўқиш каби соҳаларимиз ҳам мавжуд. Кўлда тўқилган битта гилам 2 минг доллардан сотилмоқда. 2021 йилда ҳамкор давлатларга 1 млн. 50 минг АҚШ долларлик маҳ-

сулотни экспорт қилдик. 2022 йилнинг охиригача бу кўрсаткични 1 млн. 200 минг долларга етказишни режалаштирганмиз. Танлов давомида бир қанча ҳамкорлар топдим.



Гулнора МИРЗААБДУЛЛАЕВА,
Наманган шаҳридаги “Latifa Guli” МЧЖ раҳбари, Наманган вилояти:

– Наманган шаҳридаги Баркамол авлод маҳалласи Кичик саноат зонасида жойлашган корхонамизда 150 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Асосан аёллар миллий либослари, ётоқхона тўпламлари, чўқима кашта, зардўзлик ва пазандалик, эсдалик учун гиламчалар тўқиш йўналишларида фаолият олиб бораемиз. Маҳаллий бозорларимиздан ташқари Қирғизистон ва Миср давлатининг деярли барча бозорларига ўз маҳсулотларимизни чиқаряпмиз. Шогирдлар ҳам тайёрлаб, касбим сирларини ўргатяпман.

Танловдан сўнг ўзимга ишончим янада ортди. Буни кўрган шогирдларим ҳам менга ҳавас қилиб тадбиркор аёл эъзозда эканига шўҳид бўлишди. Уларда ҳам менинг изимдан бориш истаги туғилганини баралла айтишмоқда.



Зулмурот СОҶИДОВА,
Самарқанд туманидаги “Зулмурот” хусусий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти:

– 2018 йилда 50 млн. сўм миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобига Япониядан тикув машинаси олиб келиб, иш бошлаган эдим. Бу виларимиз зардўз бўлишган. Онам Зулайҳо Рустамова устозим, маслаҳатдошим. Мен туртинчи авлод вакиласи сифатида уларнинг хунарини давом эттиряпман. Миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар ишлаб чиқарамиз.

Ҳар йили 20 га яқин шогирд тайёрлайман, ҳозиргача улар 500 дан ошди. Яқинда устоз-шогирдлик анъанаси асосида Самарқанд зардўзлик мактабини очдим. Ушбу мактабда энг яхши шогирдларим ўзлари ҳам шогирдларига хунар ўргатиш баробарида сайёҳларга Самарқанд зардўзлик маҳсулотларини тайёрлаб беришди. Маҳсулотларимиз асосан кўл иши бўлгани учун битта маҳсулотга 1-2 ой вақт сарфланади. Бозори ҳам жуда чаққон. Ҳатто чет давлатлардан, хусусан, Туркия, АҚШ, Россиядан буюртма олаяпмиз.



Шоираҳон ШАМАТОВА,
Сайхунбод туманидаги “Олимжон қизи Шоираҳон” фермер хўжалиги раҳбари, Сирдарё вилояти:

– Фермер хўжалигимиз 119 гектар, шунингдек, “Sirdaryo Politeh” МЧЖнинг 120 гектар ижара ер майдонига ҳам бугдой ва пахта эканмиз. Бугдойдан мўл ҳосил етиштириб, режани 105 фоизга уддаладик. 10 нафар доимий ва 45 нафар мавсумий ишчиларимиз бор, уларнинг 46 нафари аёллар.

Яна ўз томорқамизга ҳам эгамиз. Унда етиштирилган полиз ва сабзавотлар хўжалик аъзоларига тақсимлаб берилади. Бозор иқтисодиёти шартларида ҳар бир оила учун бу жуда катта ёрдам. Ишчиларимиз бозорга бориб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олмайдди, бу маблағни фарзандларининг кийим-боши, рўзгорига сарфлайди. Ҳатто боғимиздаги мевалар ҳам тақсим-



лаб берилади. Иш ҳақлари вақтида тўлаб борилаётгани, яратилган шартлардан улар мамнун. Шоираҳон маҳалласидаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз аёллар, ногирон ва беморларга ҳам ўз маҳсулотларимиздан тарқатиб тураемиз.

Гулсара ТАНГИРОВА,
Шўрчи туманидаги “Мафтуна Шўрчи дизайн” МЧЖ раҳбари, Сурхондарё вилояти:

– Шўрчи туманидаги Тўла маҳалласида тикув цехимиз жойлашган бўлиб, унда 131 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Асосан мактаб формаси, эркак ва аёллар либослари, кўрпа-ёстиқ ва чойшаб тикиб, маҳаллий бозорга чиқаряпмиз. Шогирдларга тикувчилик сирларини ўргатяпмиз.

Бу йил янада ўзгача шуқудда ўтган “Ишбилармон аёл” курик-танловини менда жуда катта таассурот қолдирди. Ижобий маънода беллашган опа-сингилларимнинг ҳар бирининг фаолиятдан ўзимга зарур ангилликлар олдим, таҳриба алмашдим. Бундай танловларни ўтказишдан асосий мақсад ҳам шу-да аслида!



Сурай ТЕЛАҚОВА,
Паркент туманидаги “Shabnam elegant” МЧЖ раҳбари, Тошкент вилояти:

– Танловда қатнашиб, ғолиба бўлиш ҳақида ўйламагандим. Бу кутилмаган воқеа бўлди. 2013 йилда фаолиятимни 6 та тикув машинаси билан бошлагандим. Ҳозирда эса Япониядан келтирилган 400 га яқин сўнгги русумдаги тикув машинасига эгамиз. Самардорлик ҳам шунга яраша – йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 250 минг донага етди.

Туманимизнинг энг чекка худуди – Новдак маҳалласи аҳлини ҳам иш билан таъминлаб, банд қилишга эришдик. Наманган вилоятидаги 2 та фабрикани филиалимизга айлантиришга муваффақ бўлдик. Ишлаб чиқариш мажмуамизда 300 нафар хотин-қиз меҳнат қиляди. Улардан 90 нафари “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари”, “Аёллар дафтари”дагилардир. Опа-сингилларини касб-хунарга йўналтириб, иш билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш, диёримиз фаровонлигига оғина бўлса ҳам ҳисса қўшсак, мақсадимизга эришган бўламиз.



Муҳайё САТТОРОВА,
Риштон туманидаги “ММ порселайн” МЧЖ раҳбари, Ферғана вилояти:

– Корхонамизда ишловчи 105 нафар ишчи-хизматчи йилига 7,4 млрд. сўмлик сопол ва чини буюмлар ишлаб чиқаряпти. Маҳсулотлар Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилинади. 2019 йилдан буён 710 минг АҚШ долларлик экспортни амалга оширдик. Сўнгги йилда 2 799 та турли хилдаги буюмлар ишлаб чиқарилган. Унутлиб борилаётган санъат турларини тиклаш ва анъанавий кулолчилик услубларини жорий қилишни мақсад қилганман ва тинмай ишлаб чиқарамиз. Курик-танлов бу мақсадим сари янада интилишга ундади. Экспорт ва ички бозорларда савдо ўринларини кенгайтириш режаси пайдо бўлди.



Нилуфар МАҲМУДОВА,
Хонқа туманидаги “Хонқа чора капитал” МЧЖ раҳбари, Хоразм вилояти:

– Корхонамиз асосан сутни қайта ишлаш ва турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, гидропоника усулида бугдой ўстириб, чорва маллари учун юқори протеинли ем-хашак тайёрлаймиз.

1 млн. 600 минг евро қийматида инвестиция киритиб, фаолиятимизни бошлаганмиз, 107 та янги иш ўрни яратдик, шундан 67 тасида аёллар банд. Хориждан зотдор қорамоллар олиб келгандик. Ҳозирда 370 бош қорамол ва 50 бош эчкимиз бор.

Яна янги лойиҳаларни амалга ошироқчиман: кунига 100 тонна бугдойни қайта ишлаб, ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи ва жаҳон бозорларида энг қиммат турайдиган эчки сутидан пишлок ишлаб чиқариш цехини ишга туширяпмиз.

Албатта, бундай тадбирлар биз тадбиркорларга руҳан мадад беради, янги мақсадлар сари йўл очади. Худди шундай, менда ҳам янги ғоялар пайдо бўлди. Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу орқали юртимизнинг равнақига ўз ҳиссамни қўшсам, мендан бахтли инсон бўлмасди.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

САЙЛОВЧИНИ ТИНГЛАШ КЕРАК

ЁХУД ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O‘zLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОСИ, “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК БУХОРО ФИЛИАЛИ ДИРЕКТОРИ ХАЛИЛ ТУРДИЕВ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР



Партиямиздан сайланган фаол депутатнинг сайлов округи ҳудуди “Гулчорбоғ”, “Шерозий”, “Отбор”, “Шейхон” ва “Моҳи Хосса” маҳалла фуқаролар йиғинларини қамраб олган. У ерда истиқомат қилувчилар, айниқса, кам таъминланганлар Халил Жаҳонкуловични яхши таниди.

Бирор қутлуғ сана ёки байрам йўқки, депутат сайловчиларидан хабар олмаган, имкон даражасида қўллаб-қувватламаган бўлса?! Масалан, яқинда, яъни мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида “Моҳи Хосса” МФЙда яшовчи тўрт нафар эҳтиёжманд инсонга моддий кўмак бериб, хурсандчилик улашди.

O‘zLiDeP вилоят кенгаши ўтказадиган учрашув ва мулоқотларда ҳам Х. Турдиев фаол қатнашади. Ички ва ташқи сиёсат, партиянинг дастурий ғоялари, 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритади. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча

ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаи муносабати билан ташкил этилган тадбирлар фикримизнинг далилидир.

Депутат ўз фаолиятини йиллик режа асосида олиб боради. Унда ижроси доимий этиб белгиланган бандлар борки, уларга алоҳида ёндашиш талаб этилади. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини мутасадди ташкилот ва корхоналарни жалб қилган ҳолда қўриб чиқиши аънамага айланган. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳамкор ташкилотлар, жойлардаги ижроия ҳокимияти масъуллари билан бирга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, сув ҳўжалиги объектлари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Халил Турдиевнинг Саноат, қурилиш, транспорт, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия раиси сифатидаги фаолиятида ҳам натижадорлик яққол кўзга ташланмоқда. Комиссия томонидан йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишлар кўлами билан танишар экан-

сиз, астойдил интилиш ҳар қандай шароитда мақсадга етишнинг энг яқин йўли эканига амин бўласиз. Бунда депутатлик сўрови, назорат-таҳлил тарзидаги ўрганиш ва эшитувлар амалиётдан кенг фойдаланилаётгани диққатга сазовор.

Депутат самимий бўлганда кейин сайловчилар ҳам ечимини кутиб турган муаммоларни дадил айти олишади. Боиси мурожаат беиз кетмаслигига ишонилганда. Масалан, апрель ойида Шейхон маҳалласидагилар ҳудуддаги 26-умумтаълим мактабига олиб борувчи йўлни таъмирлашда кўмак сўрашганди. Ушбу масала бўйича вилоят автономий йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш. Абдуллаева депутатлик сўрови чиқарилди. Натижада кўча тўлиқ асфальтланди.

O‘zLiDePнинг электротар орасида имиж янада ошишига муносиб ҳисса қўшаётган Халил Турдиев сингари депутатларимизнинг муддаоси битта – у ҳам бўлса бунёдкорлик завқи билан ёнган эл-юрт хизматида ҳаммиша камарбасталиқдир.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ШОИР
ЙЎЛДОШ
ЭШБЕКНИНГ
ЎЗАЛ ТУҲФАСИ

Халқимизнинг сеvimли шоири, турк тилидаги эллиқдан ортиқ бадий асарни она тилимизга ўғириб, ўзбек китобхоналарига етказган моҳир таржимон, оташ-нафас шоир Йўлдош Эшбек яна бир қадрли туҳфа – “Турк шеърляти антологияси”ни тайёрлади. Шу маънода Президентимизнинг: “Биз Ўзбекистонда “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” деган чўқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхоналар қалбидан жой олгани, бадий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланигани алоҳида таъкидлаш лозим”, деган сўзлари яна бир бор ўз исботини топди.

Мажмуадан машҳур мутасаввиф шоир Хожа Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси Юнус Эмро ва мутоз шоирлар Меҳмед Акиф Эрсўй, Яҳё Камол Баётлидан бошлаб юзга яқин шоирларнинг шеърлари ўрин олган. Поэтик асарлар Йўлдош Эшбек таржимасида ўз миллий-маърифий хусусиятини сақлаб қолган. Мазкур шеърлий намуналар турк шеърлятининг тараққиёт йўли, асосий тенденциялари, ғоявий ва бадий хусусиятлари ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Бадий таржимага қўл урган таржимоннинг хоржий тилни мукаммал билишигина кифоя қилмайди. Муаллиф услуби ва бадий асар ғоясини сақлаган ҳолда, она тилининг бой имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда ижодий ёндашув ҳам талаб этилади. Шеърлий асар таржимасида эса бу кўникмалар етарли бўлмайди. Сўзни санъат даражасида қўллаш оладиган, шоирлик иқтидорига эга ижодкоргина поэтик асарни кўнгилдагидек ўғирити, аслиятдан қолишмайди, ўрни келганда, ундан устунроқ бўлган ижод намунасини яратиши мумкин. Антологиядаги шеърларни ўқир экансиз, шундай маҳоратни, иқтидорни ҳис қиласиз. Таржимоннинг асар яратилган давр руҳи ва тилининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши, таржимада аслиятда ишлатилган, умумтуркий тилга хос сўзларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиши таҳсинга сазовор. Юртимизда бадий ва илмий асарларни воситачи тил орқали эмас, аслиятдан таржима қилишнинг тобора ортиб бораётгани кувонарли ҳол.

Антологиянинг кириш сўзида Туркия Жумҳуриятининг Тошкент элчихонаси мансуби Мустафа Авжи шеърлий таржиманинг нақадар машаққатлилиги ҳамда мазкур нашрнинг аҳамияти ҳақида тўхталади: “Дуз – текис ёзуви бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш осон. Бироқ манзума таржимаси жуда катта меҳнат, машаққат ва ғайрат талаб этади. Биринчи кунни ўғирилган мисралар иккинчи кунни сизга бегона туюлади, ёқтирмай қоласиз. Кўнгил хазинангиздан янги сўзлар, калималар қидира бошлайсиз. Ўрнига алмаштириб қўйганингизда асл ҳаяжон, жўшқинлик берадиган сўзларни. Айниқса, туркчадан ўзбекчага



ўғиритиш... Нақадар қимматли, биласизми, ҳам маънидор. Узоқ пайт бир-бирдан айро қолган икки қардошнинг топишиши каби. Ҳасратнинг вуслатга (висолга) дўнгани (айлангани) каби...”

“Турк шеърляти антологияси”га сўнгсўз ўрнида филология фанлари номзоди Адҳам Алимбековнинг “XX аср турк шоирлари овози” мақоласи берилган. Мажмуа Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди Абдумурод Тулов томонидан нашрга тайёрланган. Муҳаррир – Шермурод Субҳон.

“Академнашр” томонидан чоп этилган антология шеърлят иқтисодлари, соҳа мутахассислари учун жуда фойдаланманба бўлиши, икки қардош халқ ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустақамланишига хизмат қилишига ишонамиз.

Сабоҳат БОЗОРОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети
катта ўқитувачиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

МУАММОЛАР БОР ЭДИ, ЭНДИ...

Ўтган йилнинг 25 марти биз фаолият юритаётган тармоқ учун тараққиётга юз буриш санаси бўлди, десам муболага қилмайман. Чўнки айнан шу кунни Президентимиз иккита муҳим ҳужжатни имзолаб, соҳада тўпланиб қолган муаммоларни амалда ечиб берди. Улардан биринчиси “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармон бўлса, кейингиси “Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарордир.

Юқорида тилга олинган фармон қабул қилингунга қадар тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятидаги айрим камчиликлар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўққинлик қиларди. Жумладан, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари бошқариш, мазкур масканлардаги шахсларга хизмат кўрсатишда оқсоқлик юзага келганди. Ногиронлиқнинг олдини олиш ва реабилитация масалаларида ҳам мақтаниб бўлмасди. Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ишлари, уларда меҳнат қилаётган ходимларни қўллаб-қувватлаш тартиби талабга жавоб бермай қолганди.

Фармон ва қарорда белгиланган вазифалар ижросини



таъминлашга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Қашқадарё вилоятида ҳам жиддий эътибор қаратилган. Соҳада илмий тадқиқотлар ўтказилиши ҳамда мутахассислар тайёрланиши ташкил қилиш, тизим самарадорлигини илғор хоржий тажрибалар асосида мониторинг қилиб бориш, одам савдосидан жабрланганларга нафақат тиббий-ижтимоий, балки психологик ёрдам кўрсатиш кундалик юмушларимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бунини вилоят миқёсида 2022 йилнинг ўтган етти ойида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун 86 донга электр юритмали арава, овоз чиқарувчи 19 донга тонометр ва 100 донга термометр олиб келиб, кўзи ожизларга тақдим этилди. Бундан ташқари, энг замонавий экзоскелет ускунаси вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига топширилди. Ушбу мослама ногиронларнинг одатий ҳаётга мослашувини тезлаштиришда қўл келмоқда.

Муҳтожларни протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси вилоятда 27 фоиздан 61,5 фоизга кўтарилди.

Жами 1 271 нафар ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатга олинди, уларга 178 нафар ходим томонидан ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Биринчи тоифага мансуб 413 нафар ёлғизга 652 млн. сўмлик 19 турдаги озик-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари етказиб берилди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 8 июндаги қарорига асосан июнь ойидан бошлаб ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож ёлғизларнинг пенсиясига 300 миңг сўмдан кўшиб берилмоқда.

Ёлғиз яшовчи пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг 31 нафари Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қарашли сихатгоҳларда соғлиғини тиклади, 114 нафарининг уй-жойлари таъмирига 39,8 млн. сўмлик маблағ сарфланди. Умумхалқ байрамлари, кексалар ҳафталиги ва меҳр-мурувват ойлиги муносабати билан вилоятдаги эҳтиёжмандлар, айниқса, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга 348 млн. сўмлик совға-саломлар берилди.

Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўл-

ланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар жами 1 911 донга бепул йўлланма билан таъминланди.

Буларнинг бари Янги Ўзбекистонда, ҳеч қандай муболағасиз, инсон қадрини нақадар улуғланаётганининг яққол намунаси.



Шоира ҲАЙДАРОВА,
Қашқадарё вилояти
тиббий-ижтимоий
хизматларни ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи

ТЎЁНАГА – КИТОБ

ЗОМИНДА
НОАНЪАНАВИЙ
ТЎЙ ЎТКАЗИЛДИ

Зомин туманидаги 36-умумтаълим мактаби ижодий-маданий масалар бўйича тарғиботчиси Нодирбек Йўлдошев фарзандининг мучал тўйини ноанъанавий тарзда ўтказди.

Ноодатийлиги шундаки, тўёна сифатида фақат ва фақат китоблар қабул қилинган. Бу ҳақда Нодирбек Йўлдошев ижтимоий тармоқдаги шахсий саҳифасида шундай ёзди: “Тўйга ташриф буюрган ака-ука, опа-сингил, ҳамкасбларим, синфдошларим, дўстларим, Тошкент, Самарқанд ва Жиззахдан келган ижод аҳли, барча меҳмонлар Асадбекка

китоблар совға қилишди. Ўғлимнинг шахсий кутубхонаси ўша кунни 128 донга янги дурдона билан бойиди”.

Нодирбек Йўлдошев ўзи ишлаётган мактабда ёзувчи-шоир ва журналистлар иштирокида мунтазам адабий учрашувлар ташкил қилиб келади. Ўқувчиларининг истевдодини рўёбга чиқаришга, ижодий машқларини элга танитишга интилади.

Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ёш авлод тарбиясида мутолаанинг ўрни муҳимлигини яна бир бор қайд этиб, китобхонлик тарғиботида мана шундай усуллардан фойдаланиш ҳам самарали эканини таъкидлашган. Юртимизда маърифат ҳада этиладиган тўйлар кўпайишига тилак билдирилган.

ЭЪЛОН

Қарши банк коллежи томонидан 2019 йилда **Имомова Дилобар Иброҳим қизи** номига берилган № 5476282 рақамли диплом йўқолгани **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ**.

Қарши иқтисодиёт коллежи томонидан 2004 йилда **Раҳмонова Феруза Қаҳрамонова** номига берилган № 113152 рақамли диплом йўқолгани **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ**.

НАХОТКИ?

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР



САВОЛ ЖУДА ОДДИЙ: ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Бу гал "Ҳоким нега газета ўқимаяпти?" деган саволни бермаймиз. Уқимаса ўқимаса, юмуши кўпдир, қолаверса, нашларни мутолаа қилиб, мазмунини айтиб берадиган котиблари бордир.

Ўқининг нақадар зарурлигини, саводсизликни йўқотиш кераклигини айтиш ҳам шарт эмас деб ўйлаймиз – "Ақл ўргатма" дейишлари тайин. Ахир ҲОКИМ – вилоят ёки шаҳар-туман ахлининг ўқимишли, зиёли етакчиси. Шундай хислатлари бўлмаганида раҳбар этиб тайинланармиди?

Уқимаса ҳам бўлар, лекин улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар бир фармон ва қарорларини қийжалаб ўқиши шарт эмасми? Ёки уларни ўқиш ҳам котиблар даражасига тушиб қолганми?

Биринчи мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги "Халқ таълимини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 13-бандида "раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларнинг янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари" Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилган.

Мазкур қарор ижроси молиячилар томонидан "бюджет маблағларининг мазкур йўналишга ажратилишига рухсат йўқ" деган баҳона билан пайсалга солиб келинди.

Иккинчи мисол. 2022 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида мазкур баҳонага чек қўйилди: "бюджет ташкилотларига улардаги "кутубхона фонди" харажат моддаси орқали даврий босма нашрлар, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига обунга бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилди".

Яқинда бир ҳокимлик фаолиятини PR (пиар) қилиш учун қайсидир сайт билан тузилган 90 миллион сўмлик шартнома ижтимоий тармоқларда кўпчилигининг назарига тушди. Эътирозимиз йўқ. Бугунги куннинг талаби шундир балки. Сайтнинг ҳам, сизнинг ҳам омадингизни берсин!

Лекин Президентнинг юқорида қайд этилган қарорлари ижросига келганда "пул йўқ", шундайми? Тўғри, янги алифбонизда чоп этилаётган таълим нашрлари Сизнинг пиарингиз ёки вилоятингиздаги коррупцион ҳолатлар танқиди билан шуғулланмайди, лекин муаллимлар савиясини кўтаришга, фарзандлар таълим-тарбияси, саводини яхшилашга хизмат қилади-ку!

Панд. Президент қарори кўзбўямачилик ёки PR учун чиқарилмайди! Давлат раҳбари имзолаган ҳужжатда мактаб кутубхонаси фонди учун маблағ ажратиш зарурлиги ўқитиляпти!!! Кутубхона фондини ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар эса Сизнинг шахсий мулкнингиз эмас, жаноб ҳокимлар!.. Керакли маблағларни топиб, тўғри йўналтириб, халқ таълимига оид газета-журнал шаклида шахсий назоратингиз остида мактабларнинг қариб ҳолга келиб қолган кутубхонасига етказин! Бу – Президент топириғи!

Сарлавҳадаги саволга қайси ҳоким биринчи бўлиб жавоб бера олади? Шундай ҳокимлар йўқ дейишга шоямлайлик!

Ҳалим САЙИД,
"Олтин қалам" миллий мукофоти
совриндори

2

Зўр гап! Шундай эмасми? Бизнесинг қаҳрамон Мирзаали Жўраевнинг баъзи гаплари Афандининг гапларига икки томчи сувдай жуда-жуда ўхшаб кетади. "Эртага келинг, яхшиси, индин келсангиз, масалангиз ҳал бўлади..." деган гапларни шу қадр кўп ишлатадики, келгучи одам унга ишонганидан қаттиқ гапира олмади, изига қайтиб кетади. Ахир у кимсан Сирдарёда жойда каттагон бир номи жарангдор МЧЖ раиси бўлса! Қўлини қайга узатса етади. Ҳар бир гапидан ишонч уфуриб туради.

Кўплаб у билан шартнома асосида бирга ишлаган тадбиркорлар, машина оломқчи бўлган кишилар вақт ўтган сайин Жўраевнинг кўп ваъдалари ёлгон эканига ишончлари комил бўлиб борди. Кишилар "Карвон савдо сервис" МЧЖ номини эшитса, лаб буриб, қўлларини ювиб, қўлтиқларига артадиган бўлишди.

Ёлгончиға кунинг қолмасин экан! Бу гапни бизга боёвтуллик Фатхулла Жумабоев айтди. МЧЖнинг асосий фаолияти вилоятдаги қатор пахта қайта қиладиган ва ўша маҳсулотни қайта ишлайдиган заводларга юк ташишдан иборат эди.

Фатхулла Жумабоев салкам беш йил давомида кечани кеча, кундунзи кундуз демай, биз номини тилга олган МЧЖда астойдил хизмат қилди. Ишни деб, бурчни деб баъзан Боёвтулдаги уйига ҳам бормади. У йўл четларида, завод ва пахта қабул қиладиган масканлар дарвозаси яқинида тунни тонгга уларди. Ахир пул топиш керак. Пул топиш учун эса чин юракдан меҳнат қилиш керак.

Буни қарангки, Фатхулланнинг орзу-ниятлари сароб бўлиб қилди. Мирзаали Жўраев "Намуна ойлук, пул дейсан" Нима бало, танглайингни пул билан кўтарганми?.. дея қойганча номини гапга тўрт-беш сўм пул бериб қўяди. Пичок бориб суякка қадалди. Фатхулланнинг ўзи, дадаси ҳақ талаб қилиб Мирзаали Жўраевнинг ҳузурига борди. Ахир Фатхулла билан МЧЖ ўртасида меҳнат шартномаси мавжуд эди-да.

– Бунча шовқин кўтарасизлар? 115 миллион сўмни деб юрган, ўтиргани жой топа олмади қолдиларинг... Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битур, бесабрлар ўз оёғидан йитур, деган гап бор ахир. Мабодо ошиқча гап-сўзга ружў қўйсаларинг, пулларингни тушларингда кўрасанлар. Сирдарёдаги барча орган одамлари менинг ақилларим, мушугимни "пиш" дедламайди!..

– Беш йил бўлди, барака топкур, "Эрта келинг, индин келинг", дея қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирдингиз. Оиламиз нима еб, нима ичади?

– Ахир қарзим эвазига "Ласетти" автомобилни бериб қўйганман. Бу ҳисоб эмасми?

– Номимизга қонуний ўтказилмаган, хўжакўрсинга берилган машинангиз бизга керак эмас. Ахир машина бизда тургани билан уни на миниб, на



сотиб бўлади. Яқинда фирмангизнинг қарзини тўлайман, деб бизга берган машинани ҳам рўйхатга қўшиб юборибсиз. Кимни алдаб, кимга фириб бермоқчисиз?

...Мирзаали Жўраевнинг тузоғига тушганлардан яна бири **Аъзам Салимов** ҳам Боёвтулда яшайди. У ҳам машина оламан, дея Жўраевнинг алдовига учганлардан бири. Мана уч йилдирки, хўжжасиз "Нексия"ни кучоқлаб, МЧЖ раҳбарига инсоф тиллаш билан овора.

– Аъзам, нега бундай алданиб қолдинг? Ахир 84 миллион сўмга бозордан ёки автосалондан янги машина олсанг бўларди-ку! – деди баъзи бир унга жони ачиган таниш-билишлари.

– Бўларди, бироқ мен бу ёлгончининг пулни бўлиб-бўлиб тўлайсиз, деган гапига ишониб чўв тушиб қолдим. Уч йилдан бунён Жўраевнинг уйига қатнайвериб, туфлимнинг товони пизэнинг пусти бўлиб кетди. Ярим кечада уйғотиб, кўзимни боғлаб қўйсангиз ҳам, унинг уйини сира адашмай топиб бораман. Мен уникига боришдан, у эса мени "Эрта келинг..." дея алдашдан чарчамайди. Устига-устак яқинда машинани Гулистон шаҳридаги жарима майдончасига қамаб қўйишди. Етти миллион олти юзу эллик минг сўм жарима тўлаб, машинани зўрға қайтариб олдим. Емаган сомсага пул тўлаш, деб мана шунга айтлади-да.

... Сирдарё шаҳридаги Боғи бўстон кўчасида истиқомат қилувчи **Аъзам Ибрагимов** ҳам "Нексия" автомобили учун пулни бўлиб-бўлиб тўлади. У ҳам бошқалар каби Мирзаали Жўраевнинг тўрига ўз ихтиёри билан илбини қолди. Мана энди нега ёлгонларга, нега алдовларга ишондим, дея бошини уриб ёриш учун девор қидириб юрибди.

Эҳ, содда одамлар, лақма одамлар-а! Уларнинг ҳеч бири Жўраевнинг аввал бошдан ҳам мақсади ўзларини "ухлатиш", фириб бериш эканини хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Қошиқ эди, мана шу алданганлар бир нафар, икки нафар бўлса.

Бу рўйхатда яна ўнлаб кишиларнинг исм-фамилияси тиркалган. Тўғри, "қилмишларингнинг авра-астарини очиб ташлаймиз..." дея машина ёки пулларини қайтариб олганлар ҳам бўлди. Аммо сарсон бўлган ва бўлаётганларнинг сонини санайдиган бўлсак, икки кўннинг бармоқлари ҳам етмайди.

Шу нуқтада бир нафас ростлаймиз. Ўзи аслида "Карвон савдо сервис" МЧЖнинг асосий фаолияти корхоналар ўртасида юк ташиш эмасмиди? Нега қажанг раҳбарлари энг шимариб, кишиларга янги машина олиб берамиз, дея тўрт томонга жар сола бошлади? Сирдарё шаҳридаги "Микрокредит-банк"дан олинган миллиард-миллиард сўмлаб маблағлар асосан соҳани ривожлантиришга эмас, балки бошқа мақсадларга ишлатилаётгани шаҳар ва туман ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларини умуман қизиқтирмагани жумбоқ эмасми? Банк ўзи берган маблағ қай мақсадга йўналтирилганини етарлича назорат қилмаган. Устига-устак шу банкнинг айрим ходимлари ҳам МЧЖ ҳисобидан янги машиналар харид қилишган. Ойма-ой, ҳар кварталда берилган кредит назорати банк томонидан амалга оширилмаслиги туфайли МЧЖда улкан қарздорлик юзага келган. Ҳозирги кунда МЧЖ қўлоғига қарзга ботиб қолибди...

"Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айриллар" деганлари рост. Банкнинг янги раҳбарлари йиққан далил-ҳужжатлар бизга юқоридаги гапларни айтишга асос бўлди.

– Эшитишимча, Мирзаали Жўраевнинг бировлар номига очилган қатор фирмалар бор эмиш, – дейди 115 миллион сўмга "ухлаган" Фатхулла Жумабоев. – Шунингдек, унинг Тошкент шаҳрида, Сирдарё вилоятида қатор-қатор савдо дўконлари, чойхона ва ошхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти акиси ва таниш-билишларининг номига расмийлаштириб қўйилган. Масалан, шахсан биз ҳайдовчилар куз ва қиш пайтлари акасининг номига

расмийлаштирилган намунавий уйида вақтинча яшаб турганмиз. Мирзаали эса "Менинг ортиқча бойлигим йўқ", дея қўлини шимининг чўнтағига солиб кўкрагини ғоздек кериб юрибди...

– Аросатда қолган одам юрган йўлидан ҳам адашиб қолар экан, – дейди Фатхулла Жумабоевнинг отаси Ҳабибулла Жумабоев. – Ундан ўғлимнинг қарзини ундириб оламан, деб мен ҳам лаққа тушганимни билмай қолдим. Пулнинг ўрнига машина бераман, деб ўша кунлари 25 миллион сўмни мендан кўртдай санаб олди. Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртибди, деганлари мана шу бўлса керак. Машинани номингизга қонуний расмийлаштириб бераман, дея роса бир ой мени "ҳайдовчи" қилиб олди. Гоҳ Тошкент, гоҳ Самарқанд, гоҳ эса Жиззахга қатнаймиз. Менга бир ой давомида бир тийин ҳам тўламаган. Устига-устак нонушта, тушлик, кечки таомларнинг пулини ҳам менга тўлаттирар эди. Ростини айтсам, ўша кунлари кўзимиз кўр, қўлоғимиз эса кар бўлган экан...

Биз ҳикоя қилган масалага сўнгги нуқта қўйдиган вақт яқинлашди.

Мирзаали Жўраевнинг бундай қонуний хатти-ҳаракатлари учун бу МЧЖ билан ҳамкорлик қилган банк муассасалари, хатто ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ҳам баб-баравар айбдор дейишга ҳақлимиз.

Манфаат йўлида кимнингдир бошини силлаш, кимгадир ҳомийлик қилиш юқоридаги каби қора қилмишларни келтириб чиқаради.

Халқда "Ҳеч бўлмагандан, кеч бўлгани яхши" деган нақл бор. Мард одам, инсоф ва адолат қўйлагани ечиб ташламаган одам бизнинг чин юракдан чиққан эътирозларимизни, иддаоларимизни тўғри қабул қилиб, шу кеча-кундузда масалага ойдинлик киритади, деган ўйдамыз.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ ЭТИШ МУМКИН, ЛЕКИН...

Айтинг-чи, нотариусга мурожатимни электрон тарзда юборишим мумкинми?

С. ХОЛБЕКОВ
Жиззах шаҳри

"Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 22³-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар нотариус қабулига олдиндан ёзилиш, битимлар ва аризаларнинг электрон шаклдаги лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ахборот тизимлари орқали нотариал идораларга мурожаат қилиши мумкин.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим. Агар ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўланмаган бўлса, битимлар ва аризаларнинг электрон шаклдаги лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисидаги электрон мурожаат кўриб чиқилмайди.




НОТАРИУС ҚАЧОН УЙГА КЕЛАДИ?

Оғир бетобман. Бундай пайтда мен зарур нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун нотариусни уйимга қақирсам бўладими?

Н. БЕРДИҚУЛОВА
Тошкент вилояти
Нурафшон шаҳри

Албатта, мумкин. "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасига биноан, фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Саволларга Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зафар ТУРҒУНОВ жавоб берди.



ДУНЁДА ОДАМЛАРНИНГ БИР-БИРИНИ ТУШУНИШИ УЧУН КЎПИНЧА ТИЛ ТЎСҚИНИК ҚИЛАДИ. ҲОЗИРГИ ПАЙТДА, БИР ҚАРАШГА КЎРА 3 МИНГТА, ИККИНЧИ ҚАРАШГА КЎРА 7 МИНГТА ТИРИК ТИЛ БОР. ЛЕКИН ИККИ НАРСА УЧУН ТАРЖИМОННИНГ КЕРАГИ ЙЎҚ. БИРИНЧИСИ – МУСИҚА. АФРИКА ОСИЁНИ, ОСИЁ ЕВРОПАНИ, ЕВРОПА АМЕРИКАНИ, АМЕРИКА АВСТРАЛИЯНИ... МАЗЗА ҚИЛИБ ТИНГЛАЙВЕРАДИ. ИККИНЧИСИ – ЕГУЛИК. УНИНГ ТОТЛИ ЁКИ ТОТЛИ ЭМАСЛИГИНИ БИРОВ БИРОВГА АЙТИ УТИРИШИ МУТЛАҚО ШАРТ ЭМАС.

Дунёда бир қисм одамлар шу қадар бойиб кетганки, улар меҳнат таътилида ёхуд пенсияга чиққанидан сўнг кўнгли нимани тусаса, шуни қондиришга, қаерни бориб кўришни истаса, ўша ёққа сафарга отланишга мойил бўлиб қолишган. Табиийки, қимларнингдир кўнгли ширин-ширин мева-чевалардан, тотли-тотли, оҳорий, ўзига



ТАКЛИФ

БИЗ КИМ – “ТУРКИСТОН” ЛИКЛАРМИЗ!

ЎЙХАТ



...Тарихнинг тадбирига қарангки, ХХ аср қадим юрти-мизда барча жабҳаларда эврилишлар, янгиликлар, талотуму фожиялари билан ёдда қолди. Ўтган аср яна шуниси билан қадрлики, гарчи мингйиллик ёзма адабиётга эга бўлсак-да, бизда босма сўз – матбуот туғилди.

XX аср матбуоти ибтидосини жаҳидлар бошлаб беришгани ҳақиқат. Ёвкур ва жасур жаҳид боболаримиз мустақиллик томон манфаати ўлароқ қадим атамаси сунъий тарзда ўзгартирилган юртимизни Туркистон деб аташга ва уни баралла қўйлашга ўзларидан куч топа билдилар. Минг афсуски, вақт келиб, янгиликка (“жаҳид” сўзининг маъноси аслида “янги” деганидир) умрини тиккан инсонларни шўро қатағони ўз домига тортиди...

Ҳайратланарлиси шуки, ўтган аср адоғида собиқ шўро салтанати бошлашга журъат қилган ошкоралик, сўз эркинлиги сифати миллий матбуотимизда том маънода янги жаҳидчиликни бошлаб берди. Журналистлар ишонч (жаҳид ҳам йўқ эмасди) билан жаҳият ҳаётининг асрлар давомида могор босган, иллатларга тўла муаммоларини рўйи рост газета саҳифаларига олиб чиқдилар.

Эсланг, 1980 йиллари ёшлар ташкилоти (комсомол дейиларди ўшанда номи)нинг нашри сифатида “Ёш ленинчи” мақомини олган газета ана шу бешафкат майдонда карвонбошликни кўлга олди. Тахририятга тўпланган оловқалб, жасоратли қаламкашлар кўнгли хоҳишлари, азбаройи буюк боболари хотирасига хурматлари чексизлиги туфайли истиқлолнинг илк йиллари (1992 йил 1 январь)даёқ бу газета номи турли хил таъйик, таъна-дашномларни енгиб, “Туркистон” деб ўзгартиришга муваффақ бўлган эди.

Ватан истиқлоли жарчиси сифатида майдонга чиққан нашрнинг адади, ҳозир тасаввур қилиш мушкул, бир миллион нусхадан ҳам ошиб кетгани, унинг ҳар бир сонини юрт катталаридан тортиб, оддий одамлар, олис қишлоқларимизда яшаётган ватанпарвар, халқпарвар инсонлар даврасида ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилгани айна ҳақиқат (Ҳозир эса республикамизда чоп қилинаётган юзлаб номдаги газеталарнинг адади миллион нусхага етмайди).

“Туркистон” газетаси саҳифаларида республикамизнинг биринчи раҳбарлари у ёқда турсин, дунёнинг олтидан бирини эгаллаган собиқ иттифоқнинг дасту узун амалдорларининг қилмиш-қилдиришлари шайқатсизларча очиб ташланган аччиқ ҳақиқатлар ёки бугун унутилиб кетган ўттир фелетонлар, суд очерклар, сўхбат-интервьюлар, танқидий мақолалар ёритилганига не дейсиз?

“Туркистон” атамасини боши узра баян қўйиб, ушбу газетада тетапоё бўлиб шакланган, қалами чархланган журналистларни номма-ном ёзсак, бир неча саҳифаларга сиғмайди. Сафар Остонов, Қулмон Очилов, Собир Сайхон, Зийвуддин Ортиққўжа, Фаррух Раҳимов, Ислам Усмонов, Муқаддас Абдусаматов, Турғун Назаров, Зайниддин Рихсиев,

Лола Соатова, Рустам Шаропов, Аҳрор Аҳмедов, Қурбон Эшмат, Гулчехра Алибоева, Замира Эгамбердиева, Амиркул Карим, Муҳаммад Амин, Тўлқин Ҳайит, Зайниддин Мамадалиев, Сувокул Рустам, Муяссар Исроилов, Рустам Бойматов, Алимқул Султон, Сирожддин Рауф, Ислам Ҳамро, Меҳрибон Қурбонниёзова, Яшнар Каримова, Нодир Маҳмудов... Рўйхат жуда узун. Бу каби юзлаб номларнинг ХХI аср ўзбек миллий журналистикасида ҳам муносиб ўрни борлигини эътироф этмоқ жоиз.

Шу маънода “Туркистон” мустақиллик даври журналистикасида ўзига хос мактабига эмас, балки тенги йўқ академия бўлганини ҳозир ҳеч ким инкор қилолмайди. Кейинчалик республикамизнинг қатор ОАВларида айнан ана шу мўътабар даргоҳда қалами чархланган, дунёқараши собиқ, эътиқоди бутун ижодкорлар хизмат қилди. Бугунги кунда ҳам уларнинг кўпчилиги шу соҳанинг қаттиқ номини татиб юрибди.

“Туркистон” газетаси (гарчи кейинроқ турли баҳоналар рўқча қилиниб, номи ўзгартирилган бўлса-да) феномени матбуот тарихи билан шуғулланувчи олимларимиз ўрганиши керак бўлган ноёб ҳодисадир.

Кўнглидан яна бир иштибоҳ кеча-ётир шу лаҳзаларда: туркий халқлар учун қадри ва муборак ном бўлмиш Туркистон номини қаерга бўлса-да, қайтарши ҳақида ҳам ўйлаш вақти етди (ён қўлишимиз Қозғистонда катта бир вилоятнинг номи ва буюк бобомиз Аҳмад Яссавий мангу кўнми топан манзил ҳам Туркистон эканини унутмайлик).

...Яқиндагина эса “Янги Ўзбекистон” боғида мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллигига бағишланган байрам тантаналарида илк бора “Туркистон” атамаси янгради, саҳнага жаҳид боболаримиз тимсолидаги инсонлар бошларини мардона кўтариб чиқиб келдилар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистонини айнан ушбу миллий ғоя устига қуришга аҳд қилганининг исботи ва ифодаси эмасми бу? Бу гўзал манзарани кўриб... юраклар ҳаприқди, кўзларимиз ёшга тўлди!

Нега бугун айнан яна жаҳидлар ва собиқ “Туркистон” газетасини эслаб қолдик? Сабаби, эндигина шўролар салтанати ном таслим қилган қалтис ва хатарли замонда, ҳатто “Мустақиллик, озолик” деган улғу сўзларни ҳамон ҳадиксираб айтиб юрган 1992 йил 1 январда халқимиз қалбига “Туркистон” атамасини жо қилмоқдек машаққатли вазифани ўзининг аҳил ва иноқ жамоаси билан қўрқмасдан адо этмоққа бел боғлаган зиёли, журналист, ушбу нашрнинг ўша пайтдаги жасур бош муҳаррири Жаббор Раззоқов номи ҳам фахр билан тилга олсак арзийди. Негаки 11 сентябрь кунини Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист, маҳоратли ношир Жаббор Раззоқов табарқуд 75 ёшга тўлади. Устоз деган муқаддас ва шарафли номни оқлаш осон эмаслигини шу инсон тимсолида англаймиз.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ: биз унга тайёрмизм?

хос, органик, яъни табиий ҳолда етиштирилган маҳсулотлардан тайёрланган таомлардан би-ири тўйиб олишни тусайди. Худди шундай илнж билан юртимизга келаятганлар сони йил сайин ортиб борапти.

Айрим эътиқодларда нималарнидир ейиш ман этилган. Бизда фақат от гўшти муаммоси бор, холос. Айрим мусулмон мамлакатлар, масалан, Туркияда от гўшти ейилмайди. Бу унчалар катта масала эмас. Чунки қазини ҳамма вақт ҳам еввермаймиз. Ҳар кимнинг ҳам унга оғзи тегавермайди. Ўзи от дегани камайгандан камайиб кетаяпти.

Ер юзининг ўнта давлатида бўлганман. Очигини айтсам, ватанпарварликда айбламасиз. Кўлида ўзимиздаги ширин мевалару тотли таомларни топа олманганман. Ошпазлик маданияти бизда нақадар юксак даражада эканини ич-ичимдан ҳис қилиб қайтганман.

Лекин...

Ҳозирги глобал иқтисодиёт жараёнида ҳар бир давлат халқи жаҳон бозорига нимасинидир олиб чиқиб сотиши керак. Шундай қилмас, тарққийётда ортада қолиб кетади. Шу маънода ўйласак, бизда **гастрономик туризм**ни ривожлантириш учун жуда катта база шаклланиб бўлган. Фақат энди шуни реклама қилишимиз ва бу соҳани жаҳон талаблари даражасида ривожлантиришимиз, сайёҳларга хуш ёқадиган инфратузилмани яратишимиз қолган. Оламни қақрайлик, меҳмон қилайлик. Ахир, ҳар бир сайёҳнинг мамлакатимизга кириб келиши жарақ-жарақ пул дегани. Зотан, бунча сайёҳга хизмат қилиш учун қанчадан-қанча янги иш жойлари пайдо бўлади.

Туркияда дўстларимизга бир кун палов, бир кун товук димлама пишириб кўрсатдим. Ахир, бу азиз таомларимизни ярим асрдан бери кўпича уйда, баъзан чоёқоналарда севиб тайёрлайман-да. Уста бўлиб кетган бўлсам керак. Азбаройи қизиқишгандан “YouTube” учун видеоларга ёзиб олишди ҳам. Икки-уч кунда минглаб киши томоша қилди-ёв. Қимлардир бунини уйда шу рецент бўйича тайёрлаб ҳам кўрар. Табиийки, қимларнингдир шу таомлардан татиб кўриш учун юртимизга сафар қилгиси ҳам келар. Хуллас, назаримда, рекламага озгина ҳисса қўшдим чоғи.

Биз Туркияда қир тарафи беш, жар тарафи етти қаватли, бир подъездли уйнинг биринчи қаватида турдик. Қирган ҳам, чиққан ҳам ошхонамиз деразаси олтидан ўтишига тўғри келар эди. Паловнинг гўштинию пиёзини, димламанинг товугини қовураётганимда таралган, иштаҳани қарнай қилиб юборадиган ёқимли ҳидни ўтган-қайтган бир зум тўхтаб, искаб-искаб қўйганини кўрдим.

Турк қардошларимизга уни сариёғда қовурилган атала билан бухороча ҳолвайтар ҳам тордик. Уларни тайёрлаш жараёнини видеога олиш кейинги сафарга қолди. Дарвоқе, Бухоронинг ҳолвайтари бошқа ерларда тайёрланадиганидан кескин фарқ қилади. Яъни ун қовурилмайди, балки шакар қиздирилган ёғда суюқ хўроққанд ҳолига келгунига қадар эритилиб, қизартирилади-да, кейин ун сувда атала қилиб солинади.

Ноларимизнинг ўзи алоҳида маззу. Эҳ-ҳе, ҳар бир худудимизга хос ажойибдан-ажойиб ноларимиз бор. Ҳар бирининг таъми ўзича тотли. Айниқса, Самарқанднинг осий нони, Тошкентнинг лочираси, Фарғона водийсининг ширмойи, Қашқадарёнинг соф бугўдойдан тайёрланган нон-патири, Бухоронинг қатлама патири, Ўзғироннинг бозорий кулчасини... айтмайсизми?!

Сафарга чиқсангиз, шулардан намуна олиб кетинг. Хоҳлаган мамлакатингизда “бай-бай” деб эмасалар, лофчилар тили билан айтганда, **отимни бошқа қўяман!**

Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилигимиз ҳам, шўроча истилоҳ билан ифодалаганда, умумий овқатланиш тизими ҳам мисли қўрилмаган даражада ривожланди. Ҳатто кафеларимизда бугун норин, шилпилдоқ (бешбармоқ), мошкичири, ҳалим (ҳалиса), тухумбарак, тандиркабоб... каби унлаб миллий таомларимиз менюга киритилган.

Серкўёш юрт бўлганимиз учун мева-сабзавотларимиз ҳам, ҳатто гўшларимиз ҳам жуда тотли бўлади. Ахир, бир йилнинг 300-320 кунини бошимизда офтоб порлаб туради-да. Худо берган шу имкониятни оқилона меҳнатимиз билан пулга айлантиришимиз зарур.

“XXI asr” газетасининг шу йилги 28 июль сониди Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги машҳур Яйпан қишлоғида истиқомат қилади-

ган пенсионер Омонжон Эргашев 2 сотих ерида тарвузни вертикал усулда етиштиришни тажриба қилиб қўрган ёзилди, сурати ҳам берилди. У горизонтал усулда етиштирилганда 25 сотихга экиладиган тарвуз кўчатини 2 сотихга ўтказган. Кейин тарвуз тугунакларини эринмасдан, битта-битталаб қопларга осиб чиққан. 1 миллион 400 минг сўм харажат қилиб, 15 миллион сўмга тарвуз сотган. Фойда – 1 сўмга 11 сўмга яқин. Йигирма кун олдинроқ ҳаракат қилганида бу даромад икки ҳисса кўпайиши ҳам мумкинлигини айтибди. Янаги йилдан умид қиламиз. Ростки, бу хабардан қувониб кетдим.

Каминанинг ҳовлисида шу 2 сотихнинг ўндан бирича ер бор. Бу йил, шукр, бир хил ширин олма ва икки хил тотли узум едик. Худо хоҳласа, янаги йил ҳосилга қирадиган току дарахтларимиз ҳам бор. Энди энг сарватманд кишининг ҳам, томорқаси бўла туриб, ундан фойдаланмай: “Бозордан мева-сабзавотнинг яхши-яхшилларини сотиб оламан-ку!” деб қарашга асло ҳаққи йўқ.

Хулоса шуки, мамлакатимизнинг ҳар бир қарич еридан, у хоҳ фермерларнинг даласи бўлсин, хоҳ томорқа, аввалгига нисбатан беш-ўн баробар кўпроқ ҳосил олишнинг минг бир усулини излаб топганимизга тўғри келади. Шундай қилмасак, қиёматда тик туриб жавоб берамиз. Чунки дунёнинг ҳамма мамлакатига ҳам шундай имкон бериб қўйилгани йўқ-да. Қиёматни қўя турганимизда ҳам, 8 миллиард киши истиқомат қилаётган бу куррайи заминда очарчилик хавфи инсоният бошига бало янглиғ келиб турган маҳалда шундай қўлай имкониятдан фойдаланмаганимиз учун жаҳон ҳам бизни ёзғиради.

Очиги, ҳар бир халқнинг қўлидан келадиган соҳаси бўлади, қўлидан келмайдигани ҳам. Ростки, биз пазандаликни жуда-жуда қотирар эканмиз. Бунини халқ 31 йилда тўла-тўқис исботлади. Бироқ ҳозирча биз ўзимизни ўзимиз меҳмон қилияпмиз. Эндиги вазифа хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлмоғи даркор. Бу жуда аниқ лойиҳа, ўта даромадли “перспектива”!

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store”дан
“XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

Газетанинг электрон обуна нархлари (2022 йил учун):
12 ойлик – 96 минг сўм; 6 ойлик – 48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирождин САЙИД
Аҳмад ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 951 Адади: 5427

Электрон обуна – 1355

Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нейматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА